O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI
“IQTISODIYOT NAZARIYASI” KAFEDRASI

“Innovatsion iqtisodiyotni shakllantirish sharoitida xizmat ko’rsatish sohasi tarmoqlarida yashil iqtisdiyotni rivojlantirish muammolari”

Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

MATERIALLARI TO‘PLAMI

2025-yil 18-aprel

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI

“IQTISODIYOT NAZARIYASI” KAFEDRASI

“Innovatsion iqtisodiyotni shakllantirish sharoitida xizmat ko’rsatish sohasi tarmoqlarida yashil iqtisdiyotni rivojlantirish muammolari”

Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

MATERIALLARI TO‘PLAMI

2025-yil 18-aprel

Samarqand-2025

UO’K: 338.46:502(575.1)

I 57

KBK: 65.9(5O‘z)

Innovatsion iqtisodiyotni shakllantirish sharoitida xizmat ko’rsatish sohasi tarmoqlarida yashil iqtisdiyotni rivojlantirish muammolari// Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari. 2025 yil 18-aprel. Samarqand, SamISI, 2025. – 554 bet.

To‘plovchi va nashrga tayyorlovchi:

I.I.Ayubov – “Iqtisodiyot nazariyasi” kafedrasi mudiri, i.f.f.d., PhD, dotsent;

M.I.Ibragimova – iqtisodiyot fanlari bo’yicha falsafa doktori, PhDdotsent v.b.;

Nashr uchun mas’ullar:

D.X.Aslanova – iqtisod fanlari nomzodi, professor;

M.M.Muxammedov – iqtisod fanlari doktori, professor;

A.B.Shakarov – iqtisod fanlari nomzodi, dotsent;

X.A.Ulashev – iqtisod fanlari nomzodi, dotsent;

L.N.Xalikova – iqtisod fanlari doktori, professor v.b.;

N.A.Kamilova – iqtisod fanlari nomzodi, dotsent;

Yu.P.Urunbayeva – iqtisodiyot fanlari bo’yicha falsafa doktori, dotsent;

F.F.Salomov – iqtisodiyot fanlari bo’yicha falsafa doktori, dotsent v.b.;

Sh.A.Quldoshev – iqtisodiyot fanlari bo’yicha falsafa doktori, dotsent v.b.;

A.A.Ablaizov -– iqtisodiyot fanlari bo’yicha falsafa doktori, katta o’qituvchi;

O.M.Ro'zibayev-–iqtisodiyot fanlari bo’yicha falsafa doktori, dotsent v.b.;

S.O’. Xusenov - “Iqtisodiyot nazariyasi” kafedrasi katta o’qituvchisi.

Sahifalovchilar:

T.M.Amirov – SamISI “Iqtisodiyot nazariyasi” kafedrasi assistent-stajyori;

T.I.Shukurov – SamISI “Iqtisodiyot nazariyasi” kafedrasi assistent-stajyori.

Ushbu konferensiya mavzusi «Innovatsion iqtisodiyotni shakllantirish sharoitida xizmat ko’rsatish sohasi tarmoqlarida yashil iqtisodiyotni rivojlantirish muammolari» ekologik va iqtisodiy barqarorlikni ta'minlashdagi muhim masalalarni o'rganishga qaratilgan. Innovatsion iqtisodiyotning rivojlanishi bilan birga, xizmat ko’rsatish sohasining yashil iqtisodiyot tamoyillariga asoslangan yangi yondashuvlarga ehtiyoji ortmoqda. Konferensiyada, ayniqsa, xizmat tarmoqlarida energiya samaradorligi, resurslarni tejash, chiqindilarni kamaytirish va qayta ishlash kabi muhim yo'nalishlar bo'yicha innovatsion texnologiyalarning tatbiqi bilan bog'liq muammolar va ularni hal etish yo'llari muhokama qilinadi. Shuningdek, yashil iqtisodiyotga asoslangan xizmat ko’rsatish sohasining barqaror rivojlanishini ta'minlashda davlat siyosati, iqtisodiy stimullar va sektorlararo hamkorlikning ahamiyati o'rganiladi. Ushbu tadbirda qatnashchilar

ilmiy-tadqiqot ishlarini taqdim etib, zamonaviy iqtisodiyotdagi ekologik muammolarga innovatsion yechimlar topishga qaratilgan qarashlar va tajribalari bilan o'rtoqlashadilar.

Ushbu to‘plamda professor-o‘qituvchilar, doktorantlar, mustaqil tadqiqotchilarning innovatsion iqtisodiyotni shakllantirish sharoitida xizmat ko’rsatish sohasi tarmoqlarida yashil iqtisodiyotni rivojlantirish muammolariga bag‘ishlangan maqola va tezislar o‘rin olgan.

To‘plam materiallaridan iqtisodiyot yo‘nalishida tahsil olayotgan bakalavrlar, magistrlar, doktorantlar, mustaqil izlanuvchilar, davlat organlari xizmatchilari va shu soha mutaxassislari o‘z faoliyatlarida foydalanishi mumkin.

Tezislar mualliflar tahririda bosilmoqda. Ularda keltirilgan raqamlar, faktlar, xulosa va tavsiyalarga mualliflar mas’ul. Ularning ayrim fikrlari tashkiliy guruh qarashlariga to‘g‘ri kelmasligi mumkin.

Данный сборник содержит статьи и тезисы профессоров-преподавателей, докторантов и независимых исследователей, посвящённые проблемам развития зелёной экономики в отраслях сферы услуг в условиях формирования инновационной экономики.

Материалы сборника могут быть использованы в своей деятельности бакалаврами, магистрами, докторантами, независимыми исследователями, служащими государственных органов и специалистами в этой области, обучающимися по направлению экономики.

Тезисы печатаются под авторским редактированием. Авторы несут ответственность за цифры, факты, выводы и рекомендации, представленные в них. Некоторые из их мнений могут не совпадать с взглядами организационной группы.

This volume presents a compilation of scholarly articles and abstracts authored by university professors, doctoral candidates, and independent researchers. The contributions focus on key issues related to the development of the green economy in the service sector, considered within the broader context of the transition toward an innovation-driven economic model.

The materials included herein are intended for use by undergraduate and graduate students, doctoral researchers, independent scholars, public officials, and professionals specializing in the field of economics.

All abstracts are published as submitted, under the editorial responsibility of the respective authors. The authors are solely accountable for the accuracy of the data, facts, interpretations, and policy recommendations contained in their work. The views expressed in individual papers do not necessarily reflect those of the editorial board or the organizing committee.

ISBN: 978-9910-648-05-2

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2025.
© “STEP-SEL” MChJ. Nashriyoti, 2025.

8. Кузнецова Е.А. Развитие инвестиционного климата в условиях глобализации. — Казань: Казанский университет, 2020.
9. World Bank. Financial Development and Innovation: Policy Insights. — Washington, D.C.: World Bank Publications, 2019.
10. Johnson, R. & Lee, M. Fintech and the Future of Banking. — London: Routledge, 2021.

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА МУЗЕЙ ТУРИЗМИНИНГ ЎРНИ

Ю. П. УРУНБАЕВА- и.ф.н., доцент, СамИСИ

Аннотация:мақола Ўзбекистоннинг миллий туризмида янги - музей туризмини ташкил қилиш ва ривожлантириш мақсадида унинг тушунчаси, мазмуни ва моҳиятини очиб беришга бағишланган. Шунингдек, музей туризмини ривожлантириш бўйича тавсиялар таклиф қилинган.

Калит сўзлар: тур, туризмнинг турлари, туризмнинг соҳалари, туристик фаолият, ҳудуд, музей, музей туризми, маданий туризм.

Кириш. Ўзбекистонда қадимдан шаклланган музейлар тизимини янада такомиллаштириш, халқнинг маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш, музей фондларида сақланиб келаётган халқимиз бой тарихини, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи ноёб, нодир экспонатларни авайлаб асраш, ўрганиш, бойитиш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиқлол ва ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, ушбу соҳани замон талабларига мос юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш каби муҳим масалалар мавжуд.

Туризм сайёрамиз ва одамлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Мураккаб, халқ хўжалигининг бутун мажмуаларини қамраб олувчи бу соҳа аҳоли бандлигини, инсонлар ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий фаравонликни таъминловчи, жаҳон иқтисодиётининг асосий секторига айланганди. Шунингдек, туризм давлатларнинг иқтисодий ва маданий бирлигини келтириб чиқарувчи шароитлар яратмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 2-декабрдаги ПФ-4861 сонли тарихий Фармонида: -“Мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли *турларини–ривожлантириш, ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш”* белгиланган[1].

Биз ҳам Президентимизнинг Ўзбекистонда 2016 йил 2-декбрдаги халқаро туризмдаги янги тенденцияларни, йўналишларни ҳисобга олиб, Ўзбекистонда янги -*“музей туризми”*ни ташкил қилиш ва ривожлантириш миллий туризмимиздаги долзарб масалалардан бири деб ҳисоблаймиз.

Ҳукуматимизнинг қарорларига туризмни ривожлантириш масалалари киритилганлиги миллий туризмда янги йўналишларни, туризмнинг янги турларини ташкил қилишни талаб қилади. Яъни, музейшунослик замонавийликнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммоларига юз тутди. Янги музей концепциясига мувофиқ музейда жамоа билан коммуникациянинг янги усуллари жорий этилмоқда. Ҳозирда музейлар анъанавий вазифалар ва функциялардан бироз четга чиқиб, жамият ҳаётида актив иштирок этишига кўмак берувчи янада кенг дастурларни амалга ошириш лозим. Шундай кенг дастурлардан бири ватанимизнинг миллий туризмида янги тур - «Музей туризмини» яратиш ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Музей туризми атамаси Европа музейларнинг анъанавий фаолиятида ўтган асрнинг 70-йилларида ёзила бошланди. Музей туризмининг келиб чиқиши Ғарб музейларининг музей бюджетига янги, қўшимча молиявий таъминотни яхшилаш йўлидаги изланишлари бўлиб, бу изланишлар натижасида музейларни туризмга тортиш ғояси келиб чиқди[7.8.]. Ғарб давлатларида музейлар фаолиятидаги асосий мезон музей экспонатлари-*музей коллекцияси сўзи-музейга келувчилар* шиорига айлантирилди. Болаларни мактаб ёшида музейларга олиб бориш уларнинг болаликдан мустақил касб танлашига, қизиқтиришига асос бўлиши ҳақида хулосалар ёзилди [9].

Ривожланган давлатларда музей туризмининг тобора ривожланиб бораётганлигига Осиё қитъасида биринчилардан бўлиб Россиялик олимлар эътибор қилишди ва ўтган асрнинг 90 йилларидан Россия музейларидан туризмда фойдаланиш тадқиқотларини бошлашди. Ҳозирга келиб, Россияда музей туризмининг таърифи, мазмун ва моҳияти, ривожлантиришнинг истиқболлиги ҳақида кўплаб илмий ишлар нашр қилинди, ўқув-услубий қўлланмалар ёзилди.

Жаҳон туризмининг ривожланиши тенденцияларида музей туризмининг жадал ривожланиб бораётганлигини эътиборга олиб, ватанимизда халқаро миқёсларда эътироф этилган кўплаб музейларимизнинг мавжудлигини ва бу музейлардан туризмда фойдаланишнинг истиқболлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда аҳолининг маънавий-маданий фаравонлигини оширишда, музей туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ўрнини белгилаш, услубий асосларини ишлаб чиқиш илмий-амалий тадқиқотларини бажаришга киришдик. Шу йўналишларда дастлабки ишлар эълон қилинди.

Музейларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши ҳақида жуда кўплаб тадқиқотлар билан танишиш мумкин. Осиёдаги ғалабалари натижасида таланган бойлик ҳисобидан Александр Македонский устози Аристотелга 30

минг талант (ўша даврдаги олтин ҳисобидаги пул бирлиги) юборди. Бу пулларга Аристотел табиатшунослик музейини ташкил қилди. Аристотел ўзининг подшо ўқувчисидан янги ерлардаги ноъмолум ўсимликларнинг намунасини(гербарий-ўсимликлар музейи, қандайдир янги ҳайвонларнинг тулупларини (қуритилган кўриниши) доимо юбориб туришини сўраган (ҳайвонлар музейи). Бу биринчи музейлар ва музейшуносликнинг бошланиши эди.

«Музей» - юнонча атама бўлиб, «муза» сўзидан олинган. Қадимги Юнон мифологиясида санъат ва фан маъбудалари «музалар» деб юритилган. Музалар, яъни маъбудалар ёки худолар шоир ва санъаткорларга илҳом беради, деб эътиқод қилинган. Шунинг учун антик поэзия асарларининг бошида кўпинча музага мурожаат қилинган. Санъат ва адабиётга, тарихга оид бир қанча маъбудалар мавжуд бўлган. Жумладан, антик шоирлардан Гесиод (мил.авв. 7-аср) 10 та маъбудани санаб ўтади:

1.Клио–тарих; 2.Евтерпа–поэзия ва мусиқа; 3.Талия–комедия;4. Мельпомена–трагедия; 5. Терпсихора–ўйин; 6. Эрато–муҳаббат лирикаси;

7.Полигиления–гимнлар; 8.Урания–астрономия; 9.Каллиопа–эпос;10. Апполлон -Муза худоси ҳисобланган.

Муза образи Европа тасвирий санъатида ўз аксини топган. Маъбудалар-турли шаклдаги ҳайкаллар алоҳида эҳтиром билан муқаддас саналган иморатларда сақланган. Инсонлар маъбудаларни зиёрат қилиб, орзу-истакларини амалга оширишини тилаганлар. Натижада музалар жойлашган даргоҳ инсонларнинг зиёратгоҳига айланган. Бу даргоҳда энг асл буюмлар, нодир, қимматбаҳо ашёлар ва гўзал санъат асарлари ҳам сақланган. Улар бу бино сатҳини безаш билан бирга, зиёратчилар қалбида ҳам алоҳида таассурот қолдирган. «Музеун»-бу гўзал буюмлар сақланадиган, илҳом парилари тўпланадиган жой деган маънони англатади.

Музей туризми Россия олимлари томонидан ҳам ўрганилмоқда [2, 3, 4,8]. Бу тадқиқотларда Музей туризмини Россияда ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари тавсия қилинган. Биз бу хулосалардан Ўзбекистонда миллий музей туризмини ривожлантиришнинг ўрни ва аҳамиятини тушуниб олишимиз лозим. Ўзбекистонда музей туризми ҳақида маколалар ёки қандайдир ахборотлар то ҳозиргача эълон қилинган эмас.

Тадқиқот методолари. Тадқиқтни бажаришда аналитик ва статистик таҳлиллар, илмий экспедиция натижаларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ҳеч бир халқ ёки миллат маънавиятини унинг тарихидан, миллий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, дунё тамаддунига беқиёс улуш қўшган кўҳна заминимиздаги маданий ҳамда тарихий ёдгорликлар, бетакрор осори-атиқалар, неча минг йиллик топилмалар ва ашёлар, нодир қўлёзмалар наинки халқимиз, балки умумжаҳон меросининг ноёб намуналари ҳисобланади. Шундай бебаҳо бойликни асраб-авайлаш, миллий тарихимиз ҳамда анъаналаримизни чуқур ўрганиб, илмий асосда таҳлил ва тарғиб этиш, аждодларимиз

хотирасини эъзозлаш, айниқса, ёш авлодни маънавий юксалтиришда музейлар алоҳида ўрин тутади. Музейлар инсоннинг эстетик дидини оширишга ҳамда руҳий баркамоллигини таъминлашга катта хизмат кўрсатади. Тарихий-маданий буюмларни ўзида сақловчи бу масканлар узоқ ўтмишга бориб тақалади. Музейлар жамиятни тарих билан боғлаб туради.

Республикамизда туризмни ривожлантиришда мамлакатимиздаги музейлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, халқимизнинг ижтимоий, маърифий ҳаётида, ёш авлодни маданий етук тарбиялашда, инсоннинг билим доирасининг кенгайишини шакллантиришда музейларимиздан туризмда фойдаланишни кучайтириш янада долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида[1] қуйидагилар белгиланган:

-аҳоли, энг аввало, ёш авлод учун мўлжалланган, интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, музейларнинг фаолиятига инновацион ахборот технологияларни кенг жорий этиш ва музей экспонатларининг рақамли шаклларини яратиш орқали музей экспонатларини кўриш имконини берадиган инфратузилмани яратиш;

-мамлакатимизнинг маданий-тарихий меросини оммалаштириш ва танитиш мақсадида музейларнинг ижтимоий маконга тўлиқ интеграциялашувини таъминлаш;

-музейларда имкониятлари чекланган шахслар, кекса ёшдаги ташриф буюрувчилар, мактабгача ёшдаги болалар ва уларга ҳамроҳлик қилаётган шахсларга хизмат кўрсатиш ва қулайлик яратишнинг инклюзив услубларидан кенг фойдаланиш.

Мазкур Қарор ватанимиздаги музейлар фаолиятини тараққиётга бошлайди. Бу тараққиётга мамлакатимизнинг миллий туризми ҳам ўзининг самарали илмий-амалий тадқиқотлари ва меҳнатларини қўшиши лозим. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг миллий туризмида музей туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришга жадал киришиш керак. Иккинчидан, мамлакатимизда сўнги йилларда халқимизнинг, айниқса ёш авлодларнинг музейларга қизиқиши ва ташриф буюришлари, бу ташрифларни ташкил қилувчи ташаббускорлик ҳам, айни вақтда, дунё халқларининг, халқаро туристларнинг, ватанимизга ташриф қилган давлат раҳбарларининг музейларимизга қизиқишлари ҳам йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Чунки, Ўзбекистонда халқаро миқёсларда маълум ва машҳур бўлган музейлар бор. Шунинг учун ҳам, туризм таълимидаги бўлғуси мутахассислар “Музей туризми”да музейлардан туризмда фойдаланишни ташкил қилиш ва ривожлантириш механизмларини яхши ўзлаштириши керак.

Музей туризмининг объекти: Ўзбекистондаги музейлар ва уларнинг фаолияти ҳисобланади.

Музей туризмининг предмети: бу музей экспонатлари орқали инсонда билим олиш, қадриятларни сингдириш, тасаввурларни ва ҳиссиётни англаш таъсирланишни ҳосил қилишдан иборатдир.

Музей туризмининг мақсади: Ўзбекистонда музей туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг методологик ва ташкилий-иқтисодий механизмлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Музей туризмининг вазифалари:

- музей туризмининг Ўзбекистон миллий туризмида янги истиқболли тур сифатидаги тушунчаси, мазмуни ва моҳиятини, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини оширувчи омилларини асослаш;
- глобализм шароитида ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда музей туризмини ривожлантиришнинг объектив зарурлигини асослаш;
- Ўзбекистонда музей туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг концептуал йўналишларини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистонда музей туризмининг ресурслари, турлари, тасниф ва таърифларини яратиш;
- Ўзбекистонда музей туризмини ривожлантиришнинг имкониятлари, муаммоларини аниқлаш, улар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистонда ички ва халқаро музей туризмини ривожлантириш йўналишлари бўйича тавсиялар яратиш;
- Ўзбекистоннинг инновацияли иқтисодиётида музей туризмини ривожлантиришнинг устивор йўналишларини ишлаб чиқиш.
- Ўзбекистонда музей туризмини ташкил қилиш ва ривожлантириш орқали аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини оширишнинг методлари ва ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги оширишда қуйидаги тадқиқотларни амалга ошириш лозим:
- Музей туризимининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсирини баҳолаш имкониятларини аниқлаш;
- Музей туризминининг ахборот-рекламалари марказларини, маршрутлари, экскурсияларини яратиш, музей туризмининг гид-экскурсиячиларини тайёрлаш;
- Ўзбекистонда ички ва халқаро музей туризмини ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш;
- Янги иш ўринларини таъминлашда музей туризми хизматларини ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини тадқиқ қилиш;
- Музей туризмини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва истиқболини белгилаш.

Туризмнинг ҳақиқий моҳияти, бу соҳанинг ривожланиш манбаи, ўзаги, ядроси биринчидан туризм ресурслар ҳисобланса иккинчидан, бу туризм ресурслардан фойдаланишда аниқ мавзули, ресурс мазмунини, моҳиятини англатадиган турни (ўзбекча айтганимизда объектни кўриш, томоша қилиш, билим олиш, завқланиш ва ҳак..) ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Биз ҳайвонлар ва ўсимликларни турларга ажратганимиз учун туризмдаги турнинг асл маъносига камроқ эътибор бераяпмиз. Туризмдаги тур атамаси биринчидан, туристик ресурснинг моҳияти мазмунидан иккинчидан, туристнинг ҳоҳиши, қизиқишидан, танлашидан келиб чиқади.

Тур – турист учун маълум маршрутда, маълум туристик объектга, маълум муддатда тақдим этиладиган, турли хизматлар (жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт хизмати, маиший, туристик экскурсия ва бошқа) тўпламидир (БТТ). **Тур** - туристик хизматларнинг камида иккита турини ўз ичига олган туристик хизматлар мажмуи билан таъминланган, белгиланган йўналиш бўйича аниқ муддатлардаги саёҳат (Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги қонуни -1-Расм)[1].

Туризмнинг турларини белгилашда (айниқса янги турни тавсия қилишда) Ўзбекистон учун қулай бўлган атамани қўллашимизни ҳеч ким тақиқламайди.Туризмнинг турларига таърифларни Бутунжахон туризм ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар ишлаб чиқади. Бундай таърифларни олимлар ҳам таклиф қилишади.Лекин олимларнинг таклифи халқаро ташкилотларнинг таърифларига зид бўлмаслиги талаб қилинади. БТТга аъзо давлатлар бу таърифларни қабул қилишади.

Бизнинг хулосамиз бўйича ҳар давлат ёки давлатлардаги тадқиқотчилар ўзлари таърифларни тайёрласа, турнинг таърифи ҳар бир давлатнинг ўзида кўпайиб, халқаро туризм оқимида жуда кўп ноаниқликларни келтириб чиқаради.



1-Расм. Турнинг таркиби [8]

Маълум бир тур бўйича тадқиқотлар ўтказилганда албатда унинг халқаро таърифини келтириш етарли деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ҳам, қайд қилганимиздек, мамлакатимизда туризмни, туризмнинг турларини ривожлантиришни оммавий тарғиб қилиш учун ҳам, туризмдаги тадбиркорликни тўғри ташкил қилишимиз учун ҳам биринчи навбатдаги

вазифамиз туризм соҳаларининг, турларининг тариф ва тавсифларини, унинг фаолият чегараларини яхшилаб билиб олишимиз керак.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 2-декабрдаги ПФ-4861 сонли тарихий Фармонида: -“Мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли *турларини ривожлантириш, ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш”* белгиланган эди [2].

Биз ҳам Президентимизнинг фармонидаги топшириқлардан илҳомланиб, халқаро туризмдаги янги тенденцияларни, йўналишларни, истиқболли турларни Ўзбекистоннинг миллий туризмида ташкил қилишга ҳисобга олиб, янги - *“музей туризми”*ни ташкил қилиш ва ривожлантириш мамлакатимиз туризмидаги долзарб масалалардан бири деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон миллий туризмига биз таклиф қилаётган янги - музей туризми тури жаҳон туризм индустриясидаги энг ёш турлардан ҳисобланади. Музей туризми атамаси Европа музейларнинг анъанавий фаолиятида ўтган асрнинг 70-йилларида ёзила бошланди.Музей туризмининг келиб чиқиши Ғарб музейларининг музей бюджетига янги, қўшимча молиявий таъминотни яхшилаш йўлидаги изланишлари бўлиб, бу изланишлар натижасида музейларни туризмга тортиш ғояси келиб чиқди [18.6.14.19.]. Ғарб давлатларида музейлар фаолиятидаги асосий мезон музей экспонатлари -*музей коллекцияси сўзи - музейга келувчилар* шиорига айлантирилди [16.17.]. Болаларни мактаб ёшида музейларга олиб бориш уларнинг болаликдан мустақил касб танлашига, қизиқтиришига асос бўлиши ҳақида хулосалар ёзилди [10.11.].

Европа давлатларида музей туризмининг тобора ривожланиб бораётганлигига Осиё қитъасида биринчилардан бўлиб Россиялик олимлар эътибор қилишди ва ўтган асрнинг 90 йилларидан Россия музейларидан туризмда фойдаланиш тадқиқотларини бошлашди. Ҳозирга келиб, Россияда музей туризмининг таърифи, мазмун ва моҳияти, ривожлантиришнинг истиқболлиги ҳақида кўплаб илмий ишлар нашр қилинган [5.21.], ўқув-услубий қўлланмалар ёзилган [12.15.].

Келтирилган илмий манбаларда музей туризмининг номланишида турфа хил фикрлар бор.Тадқиқотчи А.В. Ляшко хулосалари бўйича «музей туризми» атамаси туризм соҳасидаги “емирилувчан, оммавийлашмайдиган” атамадир. Музей туризми маданий туризм турининг бир йўналишидир[9]. Шундай фикрни тадқиқотчилардан В.В., Анисимова, Т.А. Волкова ҳам билдиришган. Уларнинг хулосалари бўйича музей туризми - маданий билиш туризмнинг алоҳида йўналиши бўлиб, туристларга музей экспонатлари ва ўзига хос бўлган музей инфратузилмаларидан ҳайратланишни кўрсатади холос.

Россиялик яна бир олим Мошняга Е. В. фикрича - музей туризми табиати ва хусусиятлари бўйича бири-бирига яқин бўлган тарихий, археологик, воқеали, бадиий ва шунга ўхшаш бўлган турларни билдирувчи *маданий туризмнинг* соябони остидаги тур ҳисобланади [12].

Айдаралиев М.С., Романчук А.В., лар ҳамюрт олимларининг хулосаларини рад қилади ва музей туризми жаҳон туризмида барқарор ривожланиш салоҳиятига эга эканлигини ўз тадқиқотларида исботлайди.

Музей туризмида таниқли бўлган хориж олимларидан Perera Kamani, Herreman, Y.,лар хулосалари бўйича маданиятнинг турли туманлигидан биринчидан, *маданий туризм туининг* ўзига баҳо бериш, бу турнинг чегараларини аниқлаш қийинлигини иккинчидан, туризмнинг барча турларида маданият белгилари, хусусиятлари борлиги учун *музей туризми* маданиятнинг, билимнинг анча йўналишларини, тавсифларини ўзида мужассам қилгани учун туризмдаги алоҳида тур ҳисобланишини исботлашган. Биз келтирилган манбаларни таҳлили қилиб, музей туризми ҳақида олима Д.А.Петрованинг - “ Маданий туризмдан яқиндагина дастлаб тармоқланган, бугун эса мустақил йўналиш келиб чиқди бу - музей туризмидир” деган қатъий хулосасига қўшилишимиз.

Албатда, Ўзбекистонда музей туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришда бу туризм туининг халқаро таърифи муҳимдир. Музей туризми жаҳон туризмида эндигина шаклланиб келаётганлигидан халқаро таърифи ҳозиргача эълон қилинмаган деб ҳисоблаймиз.

Музейшунослик - музейларнинг тарихи ва ижтимоий вазифалари, музей иши назарияси, методикасини ўргатувчи фан. Музей иши - бу илмга, таълим-тарбияга, маданиятга алоқаси борбўлган ижтимоий фаолиятнинг ўзига хос соҳаси ҳисобланади. Музей иши самарадорлиги илмсиз мумкин эмас, фан тараққиёти маълум даражада музей иши соҳасига таъсир қилади. Профессионал музей амалиётида фойдаланиладиган, музей иши муаммоларини хулосаловчи билимлар йиғиндиси – «музеология» ёки музейшунослик» дейилади. Бу атама XIX асрнинг II ярмида пайдо бўлди.

Аввал «музеография» атамаси қўлланилиб, у барча музейларга таалуқли асарларга айтилди, XX асрнинг ўрталаридан бошлаб эса, музейларни таърифлаш қўлланила бошланган. Музейшунослик фан сифатида ҳозирги вақтда Халқаро музейлар кенгаши томонидан тўла маъқулланган. Халқаро музейлар кенгаши яъни ИКОМ-1947-йили Парижда ЮНЕСКО қошида музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича халқаро марказ сифатида ташкил қилинган эди. ИКОМ халқаро миқёсда турли ихтисосдаги музейларнинг иш тажрибасини ўзаро алмашинишга хизмат кўрсатувчи марказ сифатида юзага келди. Унинг асосий вазифаси музейлар фаолиятини яхшилашга қаратилган.

Музейшуносликнинг ИКОМ томонидан тан олиниши, 1977-йилда собиқ иттифоқда ўтказилган, ихтисослашган халқаро музеология қўмитаси нинг XI Бош конференциясини ташкил қилишга ва унда бу соҳада асарлар яратиш, музеологияни университетларда ўқитиш буйича тавсияномалар

қабул қилишга олиб келди. Музейшунослик (XVI асрдан бошлаб) тажрибаларни умумлаштириш ва материалларни тизимлаштиришнинг узоқ йўли орқали ўзининг назарий тизимини, услубини ва фанлар ичида ўзининг ўрнини аниқлай бошлади. Лекин фақат сўнги ўн йилликларда асосий тушунчаларнинг шаклланиши, фаннинг умумий назарий элементларининг яратилиши музейшуносликнинг ривожланишини белгилаб берди.

Кўплаб мамлакатларда музейшуносликга мустақил фан сифатида қаралади, унинг мезони белгиларини белгилашда алоҳида йўналишлар, тортишувлар ҳам давом этмоқда. Баъзи мамлакатлардаги олимлар музейшуносликнинг махсус фан сифатида шаклланиши мумкинлигини бутунлай рад этади. Бу фикрларга Халқаро музейларнинг Кенгаши (ИКОМ) эътибор ҳам бермади ва музейшуносликни алоҳида мустақил фан эканлигини эътиф этди.

Музей туризмининг таърифи ҳозирча музей туризми ўқув қўлланмасини яратган А. В.Романчук бўйича қуйидагича берилмоқда - *музей туризми- маданий билиш туризмининг алоҳида йўналиши бўлиб, ўзига хослиги музейлар ва уларнинг инфратузилмалари салоҳиятидан туризмда фойдаланишдаги туристик фаолиятдан иборатдир.* Европа олимларининг музей туризми ҳақидаги таърифлари ҳам шундай маънони билдиришини келтириб ўтдик.Биз ҳам бу хулосани қувватлаб, Ўзбекистонда музей туризмининг тушунчаси, мазмуни ва моҳиятини билдирувчи таърифни хулосада келтирамиз.

Хулоса ва таклифлар:

1.Музей туризми - жамиятга хизмат қилишда доимий фаолият кўрсатувчи ташкилот бўлиб, халқнинг тараққиёти тарихи билан боғлиқ моддий ва номоддий меросни йиғади, тадқиқот қилади, жамият билан бирга ишлайди, тафаккур, билим, маънавий бойлик беради, бандлик билан таъминлайди ва музейлар, уларнинг инфратузилмалари салоҳиятидан туризмда фойдаланишдаги туристик фаолиятдан иборатдир.

2.Ўзбекистонда халқаро музей туризмини ривожлантирувчи музейларни ва уларда халқаро миқёслардаги экспонатларни аниқлаш.

3. Музей туризмини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини ва бу йўналишларни амалга оширишнинг стратегик режаларини ишлаб чиқиш.

4. Янги иш ўринларини таъминлашда музей туризми хизматларини ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсирини баҳолаш имкониятларини аниқлаш.

Адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни, Тошкент ш., 2019 йил 18-июль,ЎРҚ-549 сон.

2.Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни

таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 2-декабрдаги ПФ-4861 сонли Фармони. https://lex.uz/docs/3077025.

3. Айдаралиева М.С. Музейный туризм как устойчивая форма развития туризма // Экология России: на пути к инновациям: Межвузовский сборник научных трудов — Астрахань: Астраханский государственный университет, 2019.- С. 80-82.

4.Анисимова В.В., Волкова Т.А. Музейный туризм в России // Известия Дагестанского государственного педагогического университета. Естественные и точные науки. – 2021. – Т. 15. № 1. – с. 49-55.

5.Архипова О. Б. Художественная коллекция государственного Эрмитажа и развитие музейного туризма // культура и наука Санкт-Петербурга и Ленинградской области -важнейшие факторы развития туризма на Северо-западе россии: Материалы региональной научно-практической конференции. СПб., 2003.

6.Perera, K. The Role of Museums in Cultural and Heritage Tourism for Sustainable Economy in Developing Countries // Material of International Conference on Asian Art, Culture and Heritage,1913

7. Романчук А. В. ,Музейный туризм, Учебно-методическое пособие, санкт-Петербург, 2010.-43 с.

16.Цилага Е. М., Дермицаки К., Доксанаки А., Зунис П. Ф., Линардакис М. О некоторых аспектах организации региональных музеев в Греции //. Музеология – музееведение в XXI веке: Материалы международной научной конференции. СПб., 2009. С. 118-119.

8.Smith, M.K. Issues in Cultural Tourism Studies. London, New-York: Routeledge, 2003. The impact of culture on tourism./ OECD, 2009. – p. 26.

9.Hooper-Greenhill E. Museums and the Shaping of Knowledge. London, 1992. P. 1.

10.Herreman, Y. Museums and tourism: culture and consumption // Museum international. –1998. – Vol. L, № 3. – Pp. 4-12.

11. Сотникова, С. И. Музеология: Пособие для вузов,– М.: Дрофа, 2004. – 192 с.

12.Шекова Е. Л. Оценка эффективности коммерческой деятельности музеев // Музей. 2005. № 6. с. 28–32.

13.Юренева, Т. Ю. Музееведение : Учеб. для высш. шк.– 4-е изд., испр. и доп.– М.: Академ. проект, 2007. – 560 с.

14.Ўринбоева Ю.П., Музей туризмини ривожлантириш – аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий омили. СЕРВИС, илмий-амалий ж., Самарқанд, 2024,2\1 сон,107-111 б.

15.Ўринбоева Ю.П., Ўзбекистонда янги-музей туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари. СЕРВИС, илмий-амалий ж., Самарқанд, 2024,2\1 сон, 83-87 б.

16.Ўринбоева Ю. П., Янги Ўзбекистонда музей туризимини ривожлантиришнинг назарий асослари. BIZNES–ЭКСПЕРТ,№3, Тошкент, 2024 8-12 б.

17.Ўринбоева Ю.П., Музей туризми ва аҳоли турмуш даражаси. BIZNES –ЭКСПЕРТ №4, Тошкент, 2024 58-64 б.

18.Ўринбоева Ю.П., Аҳолининг маънавий маърифий қадриятлари дунёсини бойитиш, ёш авлодни ватанга мухаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда музейларнинг аҳамияти. “Iqtisodiyot va turizm” xalqaro ilmiy va innovatsion jurnal,№2(16), Бухоро, 2024.-74-84бб.

19.Ўринбоева Ю.П., Иқтисодиёт таркибига туризмнинг янги турларини киритишнинг аҳамияти. “Iqtisodiyot va turizm” xalqaro ilmiy va innovatsion jurnal, №3(17), Бухоро, 202431-39бб.

20. B.Navruz-Zoda, N.Ibragimov.The measures for improving virtual activity of incoming urban tourism in Uzbekistan.World Journal of Tourism Small Business Management.Volume 1 (3), 2007.43-49.

РАЗВИТИЕ МАЛОГО ПРЕДПРИНЕМАТЕЛЬСТВА КАК ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ

Азиза Тохировна Ахмедова – доцент Самаркандского института экономики и сервиса, e-mail:azizaaxmedova1982@gmail.com

Аннотация: В статье рассматриваются насущные вопросы сегодняшнего дня по повышению влияния развития малого бизнеса на повышение их финансовой эффективности. Отмечаются основные показатели уровня развития предпринимательства. Опираясь на практический материал, даются конкретные рекомендации по формированию цивилизованного рынка и достижению оптимальной занятости населения.

Ключевые слова: малый бизнес, предпринимательство, индивидуальный предприниматель, уровень жизни, трудовая активность, самозанятость, мотивация, образование, гибкие формы занятости.

Разработка эффективной модели хозяйствования невозможна без анализа вопросов, связанных с развитием малого предпринимательства. Это связанно с тем, что малый бизнесиграет все более важную роль в экономике, ориентированнной на инновации и развитие.

По нашему мнению, в ближайшие 5-7 лет малый бизнес Узбекистан должен удвоить свой вклад в создании валового внутреннего продукта (ВВП). В настоящее время доля малых предприятий в ВВП составила 79,1%, тогда как в промышленно развитых государствах на долю малого предпринимательства приходится до 40% создаваемого валового продукта, а с учетом среднего бизнеса – до 70%, которые вовлекаются в сферу деятельности более половины всех занятых в экономике

О темпах развития малой предпринимательской деятельности можно судить на примере деятельности малого бизнеса. Так, например, на начало 2022 г., по данным Госкомстата, по республике зарегистрировано

texnologiyalar va innovatsion yondashuvlar asosida malaka oshirish kurslari tashkil etilmoqda.

6. **Davlat qo‘llab-quvvatlashi va rag‘batlantirish siyosati:** O‘zbekiston hukumati tomonidan innovatsion faoliyatni rivojlantirish uchun yaratilgan qulay tashkiliy va huquqiy sharoitlar xizmat ko‘rsatish sohasidagi yangi texnologiyalarni joriy etishga imkon yaratmoqda. Davlat tomonidan qabul qilingan soliq imtiyozlari, subsidiyalar, grantlar va rag‘batlantirish dasturlari yangi texnologiyalarni amalga oshirishga yordam beradi. Xizmat ko‘rsatish sohasida innovatsiyalarni rivojlantirishga qaratilgan davlat dasturlari va loyihalariga e'tibor qaratilmoqda.

Xulosa qilib, O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatish sohasida innovatsion faoliyatni rivojlantirish jarayoni turli omillar tomonidan boshqarilmoqda. Yangi texnologiyalarni joriy etish, xalqaro hamkorlikni kengaytirish, mahalliy ehtiyojlarni hisobga olish, davlatning qo‘llab-quvvatlashi va ta'lim tizimini modernizatsiya qilish kabi xususiyatlar mamlakatda xizmat ko‘rsatish sohasining innovatsion rivojlanishiga yordam bermoqda. Shu bilan birga, innovatsiyalarni muvaffaqiyatli amalga oshirishda tizimli yondashuv va barcha sohalarda integratsiyalashgan strategiyalarni ishlab chiqish zarur. Bu esa, o‘z navbatida, O‘zbekistonning iqtisodiy salohiyatini oshirishga va xalqaro bozorga chiqish imkoniyatlarini kengaytirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarorlari va farmonlari.
2. Iqtisodiy tadqiqotlar va innovatsiyalar markazi materiallari.
3. Xalqaro iqtisodiy va texnologik rivojlanish bo‘yicha ilmiy maqolalar va tadqiqotlar.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МУЗЕЙ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Урунбаева Юлдуз.Пирназаровна
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти и.ф.ф.д., PhD, доцент

Аннотация - Мақолада Янги Ўзбекистонда музей туризмини ривожлантиришнинг назарий асосларига алоҳида аҳамияти берилган.

Калит сўзлар: музей, туризм, маданият, меърос, маърифат, турмуш даражаси, турмуш сифати.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг барча жабҳасида бўлгани каби маданий соҳада ҳам туб бурилиш ясади. Жумладан, миллий анъана ҳамда қадриятларимизни тиклаш, бой меросимизни чуқур ўрганиш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишга катта эътибор қаратила бошланди. Миллий аньаналаримизни асраб -

авайлаш ва бойитиш мақсадида ўтган даврда 11 та янги музей, 2 та театр, 28 та болалаар мусиқа ва саньат мактаби, 5 та олийгоҳ, жумладан, янги авлод журналистларини тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилди. Шу ўринда муҳим бир рақамга эътибор қаратамиз. Маданият ва саньат соҳасини давлат томонидан қўллаб – қувватлаш ҳажми 2017 йилга нисбатан 5 карра ошиб, 2023 йилда ушбу йўналишлар учун 712 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди[187]. Ҳеч бир халқ ёки миллат маънавиятини унинг тарихидан, миллий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, дунё тамаддунига беқиёс улуш қўшган кўҳна заминимиздаги маданий ҳамда тарихий ёдгорликлар, бетакрор осори-атиқалар, неча минг йиллик топилма ва ашёлар, нодир қўлёзмалар наинки халқимиз, балки умумжаҳон меросининг ноёб намуналари ҳисобланади.

Мана шундай бебаҳо бойликни асраб-авайлаш, миллий тарихимиз ҳамда анъаналаримизни чуқур ўрганиб, илмий асосда таҳлил ва тарғиб этиш, аждодларимиз хотирасини эъзозлаш, айниқса, ёш авлодни маънавий юксалтиришда музейлар алоҳида ўрин тутади. Шу нуқтаи-назардан, мамлакатимизда мустақиллик йилларида музейлар фаолиятини тартибга солиш, изчил ривожлантириш мақсадида йигирмадан ортиқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар амалиётга татбиқ қилинди. Хусусан, “Музейлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Президент Фармон ҳамда қарорлари ва бошқа ҳужжатлар асосида музейлар фаолияти янгиланиб, уларнинг моддий-техника базаси замон талабларига мос равишда мустаҳкамланди. Темурийлар тарихи Давлат музейи, “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи сингари маънавий-маданий масканлар бунёд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузурида ташкил қилинган “Ўзбекмузей” жамғармаси барча турдаги музейлар фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга зарур илмий-услубий ёрдам кўрсатиб келаяпти. Ҳозирги кунга келиб, юртимиздаги музейлар сони 444 тага етди ҳамда уларда жами 2 миллион 159 мингдан ортиқ экспонат сақланмоқда. Ўтмиш ва бугунни боғлаб турувчи мазкур масканларнинг 135 таси давлат бюджетидан молиялаштирилса, 99 таси нодавлат, 200 дан ортиғи коллеж ҳамда мактаб музейлари сирасига киради.

Музейлар аждодларимизнинг авлодларга қолдирган муносиб меросини тарғиб қилувчи, бизни қадимий илдизларимиз билан боғловчи, шунингдек, бугунги кун ривожланиш ва тараққиёт даврларини ўзида акс эттирувчи, ўзлигимизни намоён этувчи маънавий-маданий бой хазинадир.

---

[187] Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи. “МАЪНАВИЯТ ҲАЁТИМИЗДА ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ КЕРАК”Халк сўзи 2023 йил 23 декабрь, №274(8617) 2 бет.

Ўтган йиллар мобайнида улуғ аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, улар қолдириб кетган бой маданий мерос ва тарихий ёдгорликларни авлодларга етказиш мақсадида мамлакатимизда музейлар фаолиятини равнақ топтиришда мақсадли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги "Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада амалга оширилаётган ишларга дастуруламал бўлмоқда. Музейларга аҳоли, биринчи навбатда, ўқувчи ва талаба-ёшларни янада кенг жалб этиш, шу орқали уларда ўзликни англаш, Ватанни севиш туйғуларини камол топтириш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Жорий йилда мамлакатимиздаги ана шундай муассасаларда 1минг 200 га яқин кўргазмалар, 73 мингдан ортиқ экскурсиялар уюштирилди. Аҳамиятлиси, йилнинг биринчи ярмида ушбу масканларга 18 миллиондан зиёд аҳоли ташриф буюрди. Уларнинг салмоқли қисми ёшлардан иборат экани ғоятда қувонарли. Музейлар инсоннинг эстетик дидини оширишга ҳамда руҳий баркамоллигини таъминлашга катта хизмат кўрсатади. Тарихий-маданий буюмларни ўзида сақловчи бу масканлар узоқ ўтмишга бориб тақалади. Музейлар жамиятни тарих билан боғлаб туради.

Музейларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши ҳақида жуда кўплаб тадқиқотлар билан танишиш мумкин. Бизнингча, инсоният тарихи ва тараққиётини ўрганишдаги қуйидаги маълумотлар тарихан тўғри. Осиёдаги ғалабалари натижасида таланган бойлик ҳисобидан Александр Македонский устози Аристотелга 30 минг талант (ўша даврдаги олтин ҳисобидаги пул бирлиги) юборди. Бу пулларга Аристотел табиатшунослик музейини ташкил қилди. Аристотел ўзининг подшо ўқувчисидан янги ерлардаги ноъмолум ўсимликларнинг намунасини (гербарий-ўсимликлар музейи, қандайдир янги ҳайвонларнинг тулупларини (қуритилган кўринишини) доимо юбориб туришини сўраган (ҳайвонлар музейи). Бу биринчи музейлар ва музейшуносликнинг бошланиши эди[188].

Қуйидагилар ҳам тарихдан олинган. «Музей»-юнонча атама бўлиб, «муза» сўзидан келиб чиққан. Қадимги Юнон мифологиясида санъат ва фан маъбудалари «музалар» деб юритилган. Музалар, яъни маъбудалар ёки худолар шоир ва санъаткорларга илҳом беради, деб эътиқод қилинган. Шунинг учун антик поэзия асарларининг бошида кўпинча Музага мурожаат қилинган. Санъат ва адабиётга, тарихга оид бир қанча маъбудалар мавжуд бўлган. Жумладан, антик шоирлардан Гесиод (мил.авв. 7-аср) 9 та маъбудани санаб ўтади: Клио-тарих; Евтерпа-поэзия ва мусиқа; Талия-комедия; Мельпомена-трагедия; Терпсихора-ўйин; Эрато-муҳаббат лирикаси; Полигиления-гимнлар; Урания-астрономия; Каллиопа-эпос маъбудаларидир. Апполон -Муза худоси ҳисобланган.

[188].Соколова М. В., История туризма.Учебное пособие.Издательство «Мастерство», Саратов, 2002.-349 с.

Муза образи Европа тасвирий санъатида ўз ифодасини топган. Маъбудалар-турли шаклдаги ҳайкаллар алоҳида эҳтиром билан муқаддас саналган иморатларда сақланган. Одамлар маъбудаларни зиёрат қилатуриб, орзу-истакларини амалга оширишини тилаганлар. Натижада музалар жойлашган даргоҳ инсонларнинг зиёратгоҳига айланган. Бу даргоҳда энг асл буюмлар, нодир, қимматбаҳо ашёлар ва гўзал санъат асарлари ҳам сақлана бошлаган. Улар бу бино саҳнани безаш билан бирга, зиёратчилар қалбида ҳам алоҳида таассурот қолдирган. «Музеун»-бу гўзал буюмлар сақланадиган, илҳом парилари тўпланадиган жой деган маънони англатади. Шунингдек, «Мозий» сўзининг «Музей» атамасига монанд эканлигини ҳам эътироф этиш керак. «Мозий» сўзининг луғавий маъноси тарих, ўтмиш деган мазмунни англатади. Музейлар ҳам вазифасига кўра тарихни, ўтмишни намойиш қилиш билан авлодларга билим беради[189].

Республикамизда музейларнинг ташкил топиш тарихи, уларни ташкил этишда маҳаллий тўпловчи-йиғувчиларнинг ўрни, музейга тўпланган ашёларнинг мазмун ва маъно жиҳатдан умумлаштирилиши, музей тузилиши услубияти, музейларнинг йиғув-тўплов, илмий шарҳлов ҳамда ноширлик фаолиятининг илмий асослари, музей экспозицияларини ташкил этиш ва такомиллаштириш, уларни тарғиб ва ташвиқ қилишда музей ходимларининг нутқ маҳорати, бозор иқтисодиёти шароитида музей ишларини янги шакл ва услублардан фойдаланиш эвазига жонлантириб бориш каби хилма-хил вазифаларни бажаришга кўникма ҳосил қилиниши учун талабаларга кенг ва илмий асосда билим берилиши тақозо қилинади.

Ана шулардан келиб чиқиб республикамизда мавжуд тарих, тарих-архитектура, ўлкашунослик, тасвирий ва амалий санъат музейлари, адабиёт, хотира-ёдгорлик уй-музейлари, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа соҳаларида ютуқларни кўрсатувчи соҳали музейларнинг фаолияти кенг ўрганилиши, ўқитилиши долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Музей иши-бу илмга, таълим-тарбияга, маданиятга алоқаси борбўлган ижтимоий фаолиятнинг ўзига хос соҳаси ҳисобланади. Музей иши самаралилиги илмсиз мумкин эмас. Профессиональ музей амалиётида фойдаланиладиган, музей иши муаммоларини хулосаловчи билимлар йиғиндиси–«музеология» ёки музейшунослик» дейилади. Бу атама XIX асрнинг II ярмида пайдо бўлди[190].

Аввал «музеография» атамаси қўлланилиб, у барча музейларга таалуқли асарларга айтилди, XX асрнинг ўрталаридан бошлаб эса, музейларни таърифлаш қўлланила бошланган. Музейшунослик фан

[189].Мухамедова М.С., Музейшунослик. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2013.-174 б. Бекмуродов М.Б., Рашидова М.Х., Музейшунослик.Ўқув қўлланма. Тошкент, 2005.-110 б.: Н. В. Мягтиной ;Музееведение: Учеб. пособие Владим. гос.ун-т. – Владимир : Изд-во ВлГУ, 2010. – 114 с.

[190].Юренева, Т. Ю. Музееведение : Учеб. для высш. шк.– 4-е изд., испр. и доп.– М. : Академ. проект, 2007. – 560 с. Сотникова, С. И. Музеология : Пособие для вузов,– М. : Дрофа, 2004. – 192 с.

сифатида ҳозирги вақтда Халқаро музейлар кенгаши томонидан тўла маъқулланган. Халқаро музейлар кенгаши яъни ИКОМ-1947-йили Парижда ЮНЕСКО қошида музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича халқаро марказ сифатида ташкил қилинган эди. ИКОМ халқаро миқёсда турли ихтисосдаги музейларнинг иш тажрибасини ўзаро алмашинишга хизмат кўрсатувчи марказ сифатида юзага келди. Унинг асосий вазифаси музейлар фаолиятини яхшилашга қаратилган.

Музейшуносликнинг ИКОМ томонидан тан олиниши, 1977 йилда собиқ иттифоқда ўтказилган, ихтисослашган халқаро музеология қўмитаси нинг XI Бош конференциясини ташкил қилишга ва унда бу соҳада асарлар яратиш, музеологияни университетларда ўқитиш буйича тавсияномалар қабул қилишга олиб келди. Музейшунослик (XVI асрдан бошлаб) тажрибаларни умумлаштириш ва материалларни тизимлаштиришнинг узоқ йўли орқали ўзининг назарий тизимини, услубини ва фанлар ичида ўзининг ўрнини аниқлай бошлади. Лекин фақат сўнги ўн йилликларда асосий тушунчаларнинг шаклланиши, фаннинг умумий назарий элементларининг яратилиши музейшуносликнинг ривожланишини белгилаб берди.

Ўзбекистонда музейшунослик туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилиш, Дунё мамлакатларидаги машҳур музейлар ҳақида маълумотлар бериш, халқаро музейшунослик туризми амалиётидаги устувор тажрибалар ва янги технологияларни ўрганиш асосида миллий музейшунослик туризми маҳсулотларини ишлаб чиқиш, музейшунослик туризмини ривожлантиришдаги муаммоларни ва уларнинг ечимларини ўргатиш хисобланади.

Республикамиздаги музейларни ўрганиш, туризм музейшунослигида халқаро тенденцияларни доимо таҳлил қилиб бориш, халқаро музейшунослик ривожидаги илғор йўналишларни ўргатиш, музейшунослик туризмининг рекламаларини, экскурсияларини ишлаб чиқиш ва музейшунослик туризмини ривожлантириш бўйича мутахассислар, гид-етакчилар тайёрлаш, Янги Ўзбекистон учун ўзига хос ва ўзига мос йуналиш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи. “МАЪНАВИЯТ ҲАЁТИМИЗДА ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ КЕРАК” Халк сўзи 2023 йил 23 декабрь, №274(8617) 3 бет.

2. Urinboeva, Y. P., Khasanovna, D. D., & Shodmonovna, S. C. (2021). THEORETICAL APPROACHES TO THE FORMATION OF LIVING STANDARDS AND SERVICES OF THE POPULATION. *International journal of trends in commerce and economics*, *11*(1).

3. Urunbayeva, Y. P. (2019). THE ROLE OF THE SERVICE INDUSTRY IN THE FORMATION OF POSTINDUSTRIAL SOCIETY. In *Colloquium-journal* (No. 26-8, pp. 11-15). Голопристанський міськрайонний центр зайнятості= Голопристанский районный центр занятости.

4. Umirzakova, M. I., & Baratova, M. I. (2021). THE ESSENCE OF THE SERVICE SECTOR AND THE SOCIO-ECONOMIC SIGNIFICANCE OF RAPID DEVELOPMENT TODAY. *Экономика и социум*, (11-1 (90)), 591-597.

5. Урунбаева, Ю. П. (2023). АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ЎРНИ. *FINLAND" MODERN SCIENTIFIC RESEARCH: TOPICAL ISSUES, ACHIEVEMENTS AND INNOVATIONS"*, *14*(1).

6. Уринбаева, Ю. П., Ҳимматова, Б. Б., & Уралов, Ш. А. (2019). АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ. In *МОЛОДОЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬ: ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ* (pp. 472-475).

7. Урунбаева, Ю. П., Нуруллаева, Ш. И. К., Давлатова, Н. Б. К., Истамов, Ш. А. У., & Очилова, Ю. Т. К. (2019). Роль услуг в развитии инновационной экономики. *Достижения науки и образования*, (7 (48)), 15-17.

8. Урунбаева, Ю. (2016). Роль сферы услуг в социально-экономическом развитии страны. *Экономика и инновационные технологии*, (4), 38-46.

9. Урунбаева, Ю. П. (2013). Хизмат курсатиш сохдси ва ахоли турмуш даражаси: узаро богликлиги ва ривожланиш истикболлари. *Монография. Тошкент:«ФАН*, *156*.

10. Урунбаева, Ю. П. (2020). НЕКОТОРЫЕ ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЕ. In *Российская экономика: взгляд в будущее* (pp. 180-185).

11. Урунбаева, Ю. (2016). Возможности увеличения свободного времени населения на основе развития сферы услуг. *Экономика и инновационные технологии*, (5), 88-93.

12. Уринбаева, Ю. П. (2016). Перспективы повышения уровня жизни населения на основе развития малого и частного бизнеса. *Научный альманах*, (11-1), 321-326.

13. Урунбаева, Ю. П. (2016). Уровня жизни населения это социально-экономическая природа. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ФАКТЫ, ТЕНДЕНЦИИ, ПРОГНОЗЫ* (pp. 58-60).

14. Урунбаева, Ю. П. (2016). СФЕРЫ УСЛУГ И УРОВЕНЬ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ. In *НАУКА СЕГОДНЯ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ И ПРИКЛАДНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ* (pp. 97-99).

15. Уралов, Ш. А., & Урунбаева, Ю. П. (2020). Теоретико-методологические проблемы развития сферы услуг. In *ИССЛЕДОВАТЕЛЬ ГОДА 2020* (pp. 116-123).
16. Уралов, Ш. А., Нурматова, С. А., & Урунбаева, Ю. П. (2020). ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ как ГЛАВНЫЙ ФАКТОР РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ, ОСНОВАННОЙ НА РЫНОЧНЫХ ОТНОШЕНИЯХ. In *СТУДЕНТ ГОДА 2020* (pp. 105-112).
17. Урунбаева, Ю. П. (2024). МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ–ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БОШ ОМИЛИ. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, *43*(3), 57-60.
18. Урунбаева, Ю. П. (2024). ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ–АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛИ. *Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi*, *19*(1), 166-171.
19. Урунбаева, Ю. П. (2024). ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ АҲАМИЯТИ. *Ustozlar uchun*, *56*(1), 186-190.
20. Урунбаева, Ю. (2024). МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ–МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, *2*(2), 644-649.
21. Урунбаева, Ю. П. (2023). РОЛЬ МАЛОГО БИЗНЕСА В РАЗВИТИИ СТРАНЫ. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, *1*(9), 105-108.
22. ТЎРАЕВ, Ш., РЕЖАПОВ, Х., МАХМУДОВ, Ж., МАДИЕВА, З., ЭЛБАЕВА, М., КАМАЛОВА, М., ... & ЖУМАЕВА, М. Biznes-Эксперт.
23. Xurshid Qo'ldosh o'g, A. (2023). NIMA UCHUN TALABA KITOB O'QIMAY QO'YDI?. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, *35*(3), 93-96.
24. Xurshid, A. (2024). XXI ASRDA EKOLOGIK MUAMMOLAR. *World scientific research journal*, *26*(1), 45-50.

AHOLINING ISH BILAN BANDLIGINI OSHIRISH VA MEHNAT MUNOSABATLARI TAHLILI.

Ro'zibayev Otabek Mardon o'g'li. Samarqand iqtisodiyot va servis instituti
"Iqtisodiyot nazariyasi" kafedrasi o'qituvchisi, PhD.

Ro'zimboyeva Shahzoda
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti talabasi

Bashirova Sevinch
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti talabasi

Annotatsiya: Mazkur maqolada aholining ish bilan bandligini oshirish masalalari hamda mehnat munosabatlarini tahlil qilish masalalari yoritilgan.

“Innovatsion iqtisodiyotni shakllantirish sharoitida xizmat ko’rsatish sohasi tarmoqlarida yashil iqtisdiyotni rivojlantirish muammolari” Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

MATERIALLARI TO‘PLAMI

2025-yil 18-aprel

“STAP-SEL” MChJ nashriyoti,
Samarqand - 2025.

ISBN: 978-9910-648-05-2

Tasdiqnona № 033337 (27.07.2022)
Nashrga ruxsat etildi: 09.04. 2025 y.
© **“STAP-SEL” MChJ** nashriyoti
Samarqand – 2025 y.

8160

16.04. 2025 y. chop etildi
Qog‘oz bichimi A5, 60x84 1/16, Ofset qog‘ozi.
“Times New Roman” garniturasi.
Nashr bosma tabog‘i 34.62
Buyurtma № 0013A/25. Adadi 50 nusxa

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining matbaa bo‘limida chop etildi.
LICENSE № 025316.
REESTR № X-119112.
Manzil: Samarqand shahar, Shoxrux ko’chasi 60-uy.

ISBN: 978-9910-648-05-2

